

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМНИ БОШҚАРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Рахмонова Сарвиноз Фахриддин қизи
Алфраганус университети ўқитувчиси

Аннотация. Мақолада мактабгача таълимни бошқаришнинг назарий ва амалий асослари, унинг замонавий тизимли ёндашувдаги ўзига хос хусусиятлари таҳлил қилинган. Муаллиф таълим тизимини ислоҳ қилиш жараёнларида мактабгача таълимнинг жамият ривожигаги ўрни, болаларни маънавий ва зеҳний ривожлантиришда давлат сиёсатидаги устувор йўналишлар ҳамда бошқарув самарадорлигини таъминлаш омилларини ёритади. Шу билан бирга, мактабгача таълим муассасаларида мониторинг, педагогик менежмент ва тизимли таҳлил усуллариининг аҳамияти очиб берилган. Болалар боғчалари фаолиятида рақобат муҳитини шакллантириш, инновацион ёндашувлар ва стратегик бошқарувнинг ролига алоҳида эътибор қаратилган.

Калит сўзлар: мактабгача таълим, бошқарув тизими, педагогик менежмент, мониторинг, тизимли ёндашув, таълим ислохотлари, самарадорлик.

Аннотация. В статье рассмотрены теоретические и практические основы управления системой дошкольного образования, а также её особенности в условиях современных реформ. Автор анализирует роль дошкольного образования в развитии общества, вопросы духовного и интеллектуального формирования детей, а также приоритетные направления государственной политики в этой сфере. Особое внимание уделено вопросам эффективности управления, внедрению инновационных подходов, организации мониторинга и педагогического менеджмента в деятельности дошкольных учреждений. Отмечена значимость системного подхода и стратегического управления в обеспечении качества образовательного процесса.

Ключевые слова: дошкольное образование, система управления, педагогический менеджмент, мониторинг, системный подход, образовательные реформы, эффективность.

Annotation. The article analyzes the theoretical and practical foundations of preschool education management and its distinctive features in the context of modern educational reforms. The author highlights the crucial role of preschool education in societal development, the moral and intellectual growth of children, and the key priorities of state policy in this field. The study emphasizes the importance of effective management, systematic monitoring, pedagogical management, and the introduction of innovative approaches within preschool institutions. Special attention is given to the role of competition, strategic management, and continuous improvement in ensuring educational quality and efficiency.

Keywords: preschool education, management system, pedagogical management, monitoring, systemic approach, educational reforms, efficiency.

Кириш. Мактабгача таълим тизими жамиятнинг таълим тизимидаги илк ва муҳим бўғини ҳисобланади. У боланинг шахсий ривожланиши, маънавий камолоти ҳамда таълимнинг кейинги босқичларига тайёргарлигини таъминлайди. Худудларда бу соҳани самарали бошқариш нафақат давлат сиёсатида, балки ижтимоий барқарорлик ва келажак авлод сифатидаги стратегияда ҳам муҳим ўрин тутди.

Мактабгача таълим соҳасида амалга оширилган ислохотларнинг таҳлили ва келгусидаги вазифаларни белгилаб олиш бўйича 2017 йилнинг 19 декабрь куни Президентимиз бошчилигида ўтказилган йиғилишда бола тарбияси ва мактабгача таълим хусусида шундай сўз юритилади. "Бугунги олиб бораётган ислохотлармизни барқарорлигини ошириш, миллатнинг соғлом генофонди ва замонавий фикрлай оладиган кадрлар тайёрлаш тизимини яратишимиз аввало боғча фаолиятидан бошланишини унутмаслигимиз лозим. Мутахассислар ва педагогларнинг илмий хулосасига кўра инсон ҳаёти давомида олдиған билимни 70 фоизини 5-6 ёшгача, яъни боғча таълими даврида олади. Шунинг учун болаларни мактабгача таълимга қамровини ошириш ва мактабга борадиган болаларимиз тўлиқ ҳажмда боғча таълимини олишларига эришишимиз бугунги куннинг долзарб вазифасидир".

Мавзуга оид адабиётлар шарҳи. Мактабгача таълим муассасалари тармоғини замонавий талаблар ва стандартлар асосида ташкил қилиш, реконструкция ва модернизация ишларини амалга ошириш, сифатли таълим-тарбия бериш ишларини йўлга қўйишни даврнинг ўзи талаб қилмоқда.

Шу билан бирга қишлоқ жойларидаги болалар боғчаларида ота-оналар бадал тўловининг 30 фоизгача камайтиришни назарда тутилаётгани ҳам кам таъминлаган ва кўп болали оилаларга берилган имтиёздир. Мактабгача таълим тизимида камраб олинмаган болаларни таълимга қамровини ошириш мақсадида болалар боғчалари таркибида қисқа муддатли ўқув курслари ҳам ташкил этилмоқда. Бундан ташқари болаларни спортга бўлган кизиқишларини мустаҳкамлаш, хорижий тилларда ҳам эркин мулоқот қилиш кўникмасига эга бўлишлари учун хорижий тилларни ўрганишлари бўйича дастлабки билим ва кўникмаларни бериш ишлари амалга оширилмоқда.

Мактабгача таълим соҳасида бошқарувни самарали ташкил қилишнинг яна бир муҳим хусусияти шундаки, болаларга таълим-тарбия бериш ишлари билан бир каторда худуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида ҳам мазкур соҳанинг фаолияти аҳамиятлидир. Бу жараёнда, бола ота-онасидан оладиган тарбиядан фаркли равишда тарбия ва таълимни боғчадан олиши, янгиликларга интилувчан бўлиши, ўзгаришларга мослаша олиш хусусиятига эга бўлиши керак. Энг муҳими болани атроф-муҳитдаги ижобий ўзгаришларни сезиб туришга ва уни саклаб қолишга ҳаракат қилишга ундаш лозим. Бу борада мутарам юртбошимиз, Шавкат Мирзиёев 2017 йил 19

октябрь куни Мактабгача таълим тизимни тубдан такомиллаштириш масаларига бағишланган видеоселекторда "Мактабгача таълим тизимини кайта кўриб чиқиш масаласини давлат сиёсати даражасига кўтариб, бу борадаги ишларни ҳар томонлама пухта ўйлаб амалга оширмасак, бутун таълим тизимида сифат ўзгаришига эришишимиз, таълимнинг узлуксизлигини таъминлашимиз кийин бўлади", деб таъкидлаб ўтади. Агар мактабгача таълим соҳасида фаолият юритаётган раҳбар ходимлар юқорида айтиб ўтилган структуравий-тизимли ёндашув фазилати тўғри шаклланса, мураккаб ижтимоий масалаларни самарали ҳал этиш билан биргаликда кўзланган мақсадга ҳам эришиш имкониятига эга бўлади. Бунда раҳбар бошқарув мақсадларини шакллантириш ва белгиланган мақсадларга эришишда аввало худуднинг ёки ташкилотнинг ички имкониятларини тўғри воситалар орқали мувофиқлаштириш, уларга тўғри баҳо бериш ва фаолияти давомида кутаётган натижага ўз вақтида эга бўлади.

Тадқиқот методологияси. Ушбу тадқиқотда мактабгача таълимни бошқариш тизими ёндашув асосида ўрганилди. Илмий-назарий манбалар таҳлили, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар контент-таҳлили, амалдаги мактабгача таълим муассасалари фаолиятини кузатиш, умумлаштириш ва қиёсий таҳлил усулларида фойдаланилди.

Тизимли ёндашув муаммони ҳал қилиш методологияси сифатида барча зарурий услубларни, билимларни ва муаммони ечиш учун лозим бўлган ҳаракатларни умумлаштирувчи устун вазифасини бажаради. Амалга оширилаётган жараёнлар тадқиқоти, статистик ечим назарияси, ташкиллаштириш назарияси ва бошқа шу каби соҳалар билан муносабати аниқланади. Шундан маълум бўлдики мактабгача таълим тизими ҳам ижтимоий соҳа сифатида миллий иктисодиётнинг таркибий қисми ҳисобланган хизматлар соҳасига тегишли бўлиб, у умумий иқтисодий муносабатлар тизимига киради. Бунда ота-оналарнинг фарзанд тарбиясига алоқадор бўлган эҳтиёжларини ўз вақтида ва сифатли каноатлантириш мактабгача таълим тизимида энг устувор вазифага айланиши керак.

Таҳлил ва натижалар. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 29 декабрдаги “2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2707-сон қарорига мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган дастурга асосан мактабгача таълим соҳасини янги босқичга кўтариш ва бугунги кун талаблари даражасида модернизациялаш ишлари амалга оширилмоқда. Боланинг дунёни англаши, ўз она тилини ўзлаштириши, ватанига меҳрли бўлиб камол топишида энг аввало оила асосий роль ўйнаса, мактабгача таълим соҳаси ҳам бу борада муҳим аҳамият касб этади. Шу боис ҳам мактабгача таълим соҳаси таълим тизимининг ажралмас қисмига айлантирилди ва давлат бошқарувида ҳам долзарб вазифа сифатида эътибор қаратилмоқда.

Бошқарув фаолияти ўрганилганда мактабгача таълим муассасаларини

ҳам ташкилот сифатида тасаввур килиш керак. Р. Драфт ташкилотга "бир мақсадга қаратилган, аниқ бир фаолиятга йўналтирилган, атроф-муҳит билан боғлиқликни таъминлай оладиган махсус ихтисослаштирилган ва мувофиқлаштирилган тизим сифатида" таъриф беради.

Ташкилот бошқарувининг асосий хусусияти алоқадорликни, ташкилий ҳаракатларни ва кадриятлар мақсадлари каби элементларни мустаҳкамлашдир. Бироқ бу белгиланган элементларнинг мустаҳкамланишига эришишда одамлар ва уларнинг ўзаро муносабатлари ва алоқалари тизимнинг ўз мақсадига эришишда ёрдам беради. Ташкилотнинг ташкилий ва бошқарув фаолиятидаги иқтисодий муаммолари билан биргаликда социал ва психологик муаммолар ҳам ўзининг муҳимлиги билан ажралиб туради. Социологик ва психологик ҳаракатларни тўғри амалга ошириб бориш ҳам бошқарув фаолиятини самарадорлигини оширишга ёрдам беради.

Мактабгача таълим соҳаси бошқарувининг ўзига хослиги шундаки мамлакатнинг барқарор ривожланишини сақлаб қолиш, белгиланган стратегик мақсад ва дастурларнинг устуворлигидан келиб чиққан ҳолда миллатнинг соғлом генофондини ривожлантириш ва юксак малакали кадрларни тайёрлаб боришда муҳим бўгин ҳисобланади.

Мактабгача таълим соҳасини янада такомиллаштириш орқали истиқболда хавф солиши мумкин бўлган хатарларни ҳам бартараф этиш имкониятига эга бўламиз. Мактабгача таълим тизимидаги болалар боғчалари орасида соғлом рақобат муҳитини ўрнатиш орқали бошқарув фаолиятида янгидан-янги имкониятлар очилишига олиб келади.

Соҳадаги ўзаро белгиланган ва боғланган яхлитлик яъни бирликни англатган ёки кўпгина элементлардан ташкил топиб биргина бир бутунликни билдирган жараёни тизим сифатида тушунамиз. Тизим тушунчаси сифатида соҳанинг фаолияти давомида аниқ фойдали натижа олишга йўналтирилган элементларнинг бир-бирига боғлиқлик мажмуи тушунилади. Таълим тизимидаги бу боғлиқлик таълим-тарбия жараёни билан аниқлайдиган бўлсак дастлабки босқичда ота-она ва фарзанд, тарбиячи ва бола, ўқитувчи ва ўқувчи, устоз ва шогирд, устоз ва талаба сингари бу боғлиқликларни тизим деб аташимиз мумкин. Атроф муҳитнинг мавжудлиги ва ундаги доимий ҳаракатда бўлган боғлиқлик ҳаракатининг мавжудлик тарзи тизим сифатида бошқарувда намоён бўлади. Тизимли таҳлилнинг назарий қисми соҳанинг ўзига алоқадор бўлган назарий факторлардан ташкил топган бўлса, амалий қисми фаолиятнинг статик ва динамик ҳолатини ўзида акс эттиради. Тизимдаги барча элементлар ва ундаги боғлиқлик жараёнларини дастлаб бир бутунликда ва бир-бири билан боғлиқликда қараш жуда муҳим бўлса кейинги ҳолатда тизимни характерловчи элементларнинг хусусиятларидаги натижани оддий эмаслигини эътибордан четда қолдирмаслигимиз муҳимдир.

Мактабгача таълим соҳасини тизимли ўрганиш жараёни таълим-тарбия бериш хизматининг сифатини мониторинг қилиш ва мунтазам равишда тизимнинг фаолиятини баҳолаб бориш ишлари амалга оширилади. Фаолият

натижаларини таълимнинг ташкил қилинган стандарт ва талабларига мослигини мониторингини олиб бориш эса аниқланган муаммоларни ўз вақтида бартараф этиш имкониятини яратиб беради. Болалар боғчалари фаолиятини мониторинг қилиш ишлари асосан тадқиқот ва таҳлилий жараёнлар боғлиқдир. Бу жараёнда жамоатчилик билан биргаликда келиб чиқадиган муаммоларни олдини олиш ишларини ташкил қилиш, муаммоларни келтириб чиқарадиган фаолият майдонларини аниқлаш бўйича муҳим мониторинг дастурлари ишлаб чиқилади. Бу дастурнинг таркибий алгоритмларини Н.Пахомкина қуйидаги тартибда келтириб ўтади:

- Мониторинг дастури йўналиши бўйича талаблари кетма-кетлиги;
- Объектни идентификациялаш ва асослантириш;
- Мониторинг йўналишларини топиш;
- Мониторинг жараёнини режалаштириш ва амалга ошириш;
- Тўплаган ахборотларни таҳлил қилиш, тизимлаштириш ва тузилмалаш;
- Маълумотларни баҳолаш ва шарҳлаш;
- Олдинги мониторинг натижалари билан ўзаро боғликлигини аниқлаш;
- Объектдаги мумкин бўлган ўзгаришларни прогнозлаштириш;
- Бошқарув қарорларини қабул қилиш.

Мактабгача таълим муассасалари ўз фаолиятига кўра кўп томонлама функционал бошқарув объекти ҳисобланади. Жумладан, таълим сифатини мониторинг қилиб бориш тизими билан бошқарув сифати, таълим дастури ва ўқув режанинг сифати, болаларнинг соғлом турмуш тарзи ҳамда уларнинг ютуқлари, болалар боғчаларининг маданияти, психологик муҳити ва фаолиятига оид ресурслар, энг муҳими тарбиячиларнинг оилалар билан алоқадорлигини мустаҳкамлиги ва уларнинг самарали жамоа сифатида шаклланганлиги сингари устувор йўналишларда таълим муассасалари динамик равишда ишлайди.

Мактабгача таълим муассасасидаги мониторинг ишлари асосан узлуксизлик, прогнозлаштириш, дисциплинарлик, стратегик инсонпарварлик, коллегиялик, бошқарув ва маркетинг каби йўналишларда амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади. Шунингдек болалар боғчаларидаги таълим-тарбия сифатининг тизимли мониторинг қилиб бориш ва амалга оширилаётган ишларнинг сифати ва самарадорлигини ошириб боришнинг муҳим талаблари қуйидаги йўналишларда акс этади.

Биринчидан, мониторинг субъектлари салоҳиятини ташкил қилиш ва мувофиқлаштиришда назорат қилиш объектлари танлаб олинади.

Иккинчидан, ёш гуруҳлари бўйича ахборотларни тақдим этиш шакллариининг бир хиллилигига эътибор қаратилади.

Учинчидан, маълумотларни тўплаш ва тақдим этишнинг узлуксизлиги, доимийлиги ва ўз вақтида бажарилиши назоратга олинади.

Тўртинчидан, мониторинг объектлари сони оптималлаштирилади.

Бешинчидан, тезкор қайта алоқа қилиш тизими яратилади.

Болалар боғчаларида келтириб ўтилган талабларнинг бажарилиш жараёнининг фаолият турларини ўрганиш, ҳужжатлар юритилишини мониторинг килиш, турли хил шаклдаги тест топшириқлари, мониторинг ва баҳолаш, таълим иштирокчилари билан интервьюлар ўтказиш, социологик сўровлар ўтказиш каби тадқиқот кузатуви усуллари амалга оширилади.

Тадқиқот кузатуви асосида олинган маълумотлар натижавийлигига кўра оператив ва стратегик маълумотлар бўлиши мумкин. Оператив маълумотлар бошқарув жараёнида юзага келадиган шубҳали ҳолатларни олдини олишга қаратилган ҳаракатларни амалга ошириш дастурларини ишлаб чиқишда муҳим асос бўлиб ҳисобланса, стратегик аҳамиятга эга бўлган маълумотлар тизимнинг статик ва динамик ҳолатини яхшилашга қаратилганлигини англатади. Бу ҳолатлар муассаса раҳбарининг иш кунини, ҳафталик, ойлик, ярим йиллик иш фаолиятини баҳолаб боришда керак бўладиган маълумотларни тўплашда ёрдам беради.

Стратегик маълумотлар ўзининг аҳамиятига кўра ходимлар аттестацияси, фаолиятни лицензиялаш ва аккредитациялаш, тараққиёт дастурларнинг мониторинги, бўйруқлар, йўриқномалар ва бошқа маълумотларнинг йиллик ҳолатини ўзида акс эттиради. Бугунги давр талабидан келиб чиқиб болага таълим-тарбия бериш борасида мактабгача таълим тизимида шахсий йўналтирилган ҳамкорликка ўтиш, болага индивидуал ёндашиш, бола шахсини ва унинг ҳуқуқларини ҳурмат килиш, боланинг жамиятдаги мавқеини ривожлантириш сингари муҳим йўналишларни амалга ошириш орқали болалар боғчаси фаолиятини ривожлантириб борилади. Шунга кўра, мактабгача таълим сифатини ўрганиш ва баҳолашнинг ёндашувлари ҳам турли йўналишларда ва турли мавзуларда амалга оширилади.

Болалар боғчасининг раҳбарлари ва ходимлари, тарбияланувчи болаларнинг ота-оналари, таъсисчилар ёки ваколатли орган вакиллари, профессионал ва мустақил экспертлар, илмий тадқиқотчилар таълим муассасасининг ҳолати ёки фаолиятини ўрганиш жараёнида бевосита иштирок этадилар. Мазкур баҳолаш жараёнида субъектларнинг ҳар бири ахборот олиш манбалари ва усуллари танлаш, кўрсаткичларни ўлчаш ва баҳолаш орқали ўзларининг амалий муаммоларини ҳал қиладилар.

Мактабгача таълим назарияси ва амалиётида таълим сифати ва самарадорлигини баҳолашда аксиологик, ваколатли, тизимли, ижтимоий-маданий, кўп босқичли, оптималлаштириш, синергетик ва дастурий таъминот йўналишлари мавжуд. Т.Н.Богуславская буларнинг барчасини мураккаб кўринишдаги характер сифатида тасвирлайди

“Таълим сифатини бошқаришда тизимли ёндашувнинг муҳим шартлари жараён ва натижалари сифатини баҳолашни ўз ичига олади”. Мактабгача таълим соҳасида давлат қафолатларини таъминлаш, педагог ва бошқарув кадрларини профессионал маҳоратини доимий ошириб боришни таъминлаш ҳам таълим жараёнига устувор вазифа ҳисобланади. Замонавий талаблар

асосида ўз-ўзини текшириш ва баҳолаб бориш мактабгача таълим муассасалари фаолиятини ривожлантиришнинг энг муҳим воситасидир. Бу орқали мазкур соҳадаги муносабатларда иштирок этувчиларнинг сифатли билимларини шакллантириш ва таълим сифатини ошириш самарали бўлади.

Хулоса. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, мактабгача таълим тизимини бошқаришда тизимли ёндашув, мониторинг механизмларини такомиллаштириш, педагогик менежмент ва ота-она ҳамкорлигининг самарали йўлга қўйилиши муҳим аҳамият касб этади. Бошқарув жараёнлари инновацион ёндашувлар, рақамли ечимлар ва стратегик режалаштириш асосида шаклланданда, таълим сифати ва болаларнинг ривожланиш кўрсаткичлари сезиларли даражада ошади.

Соҳада амалга оширилаётган ислохотлар, жумладан таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш, қисқа муддатли ўқув курслари ташкил этиш, мониторинг алгоритмларини жорий этиш ва рақобат муҳитини шакллантириш орқали мактабгача таълим тизимидаги муаммолар босқичма-босқич бартараф этилмоқда.

Мактабгача таълим муассасаларида классик маъмурий ташкилий бошқарувдан стратегик бошқарув моделига ўтиш, яъни “ижро учун бошқарув”дан “натижа учун бошқарув”га ўтиш соҳада сифат ўзгаришларини амалга ошириш имконини беради.

Мактабгача таълимни бошқаришнинг ўзига хослиги шундаки, у нафақат таълим сифати билан, балки инсон шахсиятининг илк пойдеворини қўйиш билан боғлиқ. Шу сабабли бу тизимдаги ҳар бир қарор, раҳбарнинг ҳар бир қадами стратегик аҳамиятга эга. Замонавий менежмент технологиялари, рақамли ечимлар ва инсонпарвар ёндашув асосида мактабгача таълим тизими жаҳон андозаларига мос равишда такомиллашиб бормоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-60-сонли Фармони, 2022 йил 28 январь.
2. “Мактабгача таълим тўғрисида”ги Қонун, 2019 йил.
3. Vahobova D. “Педагогик менежмент ва таълим муассасаларини бошқариш”. – Тошкент: ТДПУ, 2021.
4. ЮНЕСКО (UNESCO) – Early Childhood Care and Education (ECCE) Global Report, 2023.
5. OECD Education Outlook, 2024.